

ДАВЛАТ АХАМИЯТИДАГИ УМУМФОЙДАЛАНУВДАГИ АВТОМОБИЛ ЙУЛЛАРИДА
САКЛАШ ИШЛАРИНИ БАЖАРИШ БУЙИЧА ВАКТИНЧАЛИК
ШАРТНОМА

№ 12 СД/В

«28» 01 2022 йил

Термиз шаҳри.

Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 2 октябрдаги «Автомобил йулар тугрисида» ги ЎРҚ-117 сонли Қонуни ва Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 октябрдаги Устав фондида Давлат улуши бўлган корхоналарнинг самарали бошқарилишини ва давлат мулкнинг зарур даражада ҳисобга олинишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида 215 - сонли қарори асосида.

1. ШАРТНОМА БУЙИЧА ТОМОНЛАР

Буюртмачи: Сурхондарё вилоят автомобил йуллари ҳудудий бош бошқармаси Давлат ташкилоти номидан Низомга асосан иш юритувчи бошқарма бошлиғи Жура Қиличев.

Пудратчи: Шеробод туман йуллардан фойдаланиш унитар корхонаси (ТЙФУК) номидан Низомга асосан иш олиб боровчи директор Сайфиддин Қобилов.

Амалдаги қонун қоидалар асосида мазкур шартномани туздик.

2. ШАРТНОМАНИНГ МАЗМУНИ

Иккала томонга ҳам фойдали бўлган ва биргаликда иш олиб бориш учун қуйидаги мазмундаги ушбу узаро шартнома тузилди.

2.1. Шеробод туман йуллардан фойдаланиш унитар корхонаси ҳисобига ижарага берилган Давлат аҳамиятдаги автомобил йулларда сақлаш ишларини бажариш.

3. ШАРТНОМАНИНГ БАХОСИ

3.1. Шартнома баҳоси тасдиқланган сақлаш ишларининг 1-чорак сметаси асосида ҚҚС билан 212 131 272 (Икки юз ун икки миллион бир юз ўттиз бир минг икки юз етмиш икки) сумни ташкил этади.

№	Бажарилади ган ишлар тури	Булим		Қуйи объектлар	Мода			Жами маблаг сум ҳисобида	1-чорак		
									Январ	Феврал	Март
1	Сақлаш ишлари	7	045	162	42	33	100	212 131 272	70 710 424	70 710 424	70 710 424
	Жами							212 131 272	70 710 424	70 710 424	70 710 424

4. ПУДРАТЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

4.1. Давлат аҳамиятдаги автомобил йулларни сақлаш ишлари учун тулаб берилган маблағни мақсадли ишлатилишига жавобгардир.

4.2. Давлат аҳамиятдаги автомобил йулларни сақлаш ишлари учун смета ҳужжатларини ишлаб чиқади ва буюртмачига тақдим этади.

4.3. Давлат аҳамиятдаги автомобил йулларининг ҳамма қисмида автомобилларнинг узлуксиз ва беҳатар ҳаракатини таъминлайди, ҳафсизлиги бўйича тулик жавобгарликни уз зиммасига олади.

4.4. Давлат аҳамиятдаги автомобил йулда мавжуд бўлган йул жихозлари, йул белгилар, автобекатлар, 1-тоифа тусиқлар, куприклар, қувурлар ва бошқа ёрдамчи иншоотларни тулик яроқли ҳолда сақлайди.

4.5. Йулда мавсумий сақлаш ишларини амалга оширади.

4.6. Йулда режалаштирилган сақлаш ишлари режасини бажарилишини таъминлайди.

4.7. Йулнинг химоя зонаси минтақасида ноқонуний объектларни қурилишига йул қуймайди.

4.8. Йулнинг ҳолатига салбий таъсир қурсатувчи, давлат сертификатига эга бўлмаган материаллардан йул таъмирлаш ишларида фойдаланмайди.

4.9. Форс – мажор ҳоллардан ташқари ҳар қандай ҳолда йулга етказилган зарарни уз ҳисобидан тиклаб беради.

4.10. Бажарилган ишлар маълумотномасини (Ф-3 шакл) ва руйхатини (Ф-2 шакл) ҳар ойнинг 25 санасида буюртмачига тақдим этади.

4.11. Йулнинг ҳолати тугрисида доимий маълумотга эга бўлади ва буюртмачи истаган вақтда тулик ахборотни тақдим этади.

4.12. Давлат органлари ва Ўзбекистон Республикаси автомобил йуллари Давлат қумитаси томонидан жорий қилинган ҳисоботларни уз вақтида буюртмачига топширилишини таъминлайди.

4.13. Баҳорги ва кузги техник курик, манфаатдор органлар томонидан утқазилган куриклар давомида ва буюртмачи томонидан автомобил йулларда аниқланган носозликларни уз вақтида бартараф этилишини таъминлайди.

4.14. Бажарилган ишларни қабул қилиш даврида буюртмачига топшириладиган ҳужжатларнинг ҳаққонийлигини таъминлаш бўйича жавобгар бўлади.

4.15. Пудратчининг амалдаги ҳаражатлари асосида иш баҳосини аниқлаш вақтида смета ҳужжатларида назарда тутилган ҳаражатлардан кам бўлган ҳолларда, Башарти буюртмачи пудратчининг иқтисод қилинган маблағи бажарилган иш сифатига салбий таъсир этишини исботлай олмаса, пудратчи ишлар учун смета ҳужжатларида назарда тутилган баҳо бўйича ҳақ олиш ва иқтисод қилинган маблағларни узини қурган зарарларни қоплаш учун йўналтириш ҳуқуқини сақлаб қолади.

4.16. Бажарилган ва молиялаштириш учун қабул қилинган иш ҳажмларида арифметик хато ва бошқа камчиликларга йул қуйилганлиги аниқланганда, кейинги ойларда бажарилган иш ҳажмлари тегишли узгартиришлар (корректировка) киритилган ҳолда расмийлаштирилади.

4.17. Ишларни бажариш жараёнида, ишлаш технологияси ва сифатини бузмаган ҳолда, уз имкониятларидан келиб чиқиб ишлаш усули ва машина-механизмларнинг бир туридан бошқа ишлаб чиқариш қуввати бланд ёки паст механизмларга алмаштириш ва амалда бажарилган иш ҳажмлари баҳосини аниқлашда Пудратчи объектнинг умумий қиймати доирасида амалдаги нарх ва механизмлар буйича расмийлаштириш ҳуқуқига эга.

5. БУЮРТМАЧИНING МАЖБУРИЯТЛАРИ.

5.1. Давлат аҳамиятдаги автомобил йулларни сақлаш ишлари учун ишлаб чиқилган смета ҳужжатларини белгиланган тартибда расмийлаштирилишини таъминлайди.

5.2. Режада белгиланган ишларни бажариш учун 40 % микдоридаги бунақни олдиндан тулайди.

5.3. Бажарилган ишларни ҳар ойнинг 25 санасигача қабул қилиб олади.

5.4. Бажарилган ишлар тулик қабул қилиб олингандан сунг тулов амалга оширади.

5.5. Йулга таълуқли миёрий ҳужжатлар, хатлар, буйруқлар ва режадаги узгаришларни уз вақтида етказилади.

5.6. Давлат аҳамиятдаги автомобил йулларни истикболли ривожлантириш дастурини ишлаб чиқишда иштирок этади.

6. ТОМОНЛАРNING МОДДИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ.

6.1. Пудратчи тасдиқланган режадаги ишларни уз вақтида бажарилишини таъминламаган тақдирда, кечиктирилган ҳар бир кун учун бажарилмаган ишлар қийматининг 0,5 % (жами жарима микдори бажарилмаган ишлар қийматининг 50 % дан ошмаслиги лозим) микдорида жарима тулайди.

6.2. Буюртмачи тасдиқланган смета асосида бажарилган ишлар қийматини уз вақтида тулаб берилмаган қисмига, кечиктирилган ҳар бир кун учун 0,5 % (жами жарима микдори бажарилмаган ишлар қийматининг 50 % дан ошмаслиги лозим) микдорида жарима тулайди.

7. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИНИШИ.

7.1. Шартнома иккала томоннинг ташаббуси билан белгиланган конун ва тартибларга тугри келадиган талаблар буйича ёки ишни давом этишга ҳожат булмаганда тақдирда бекор қилиниши мумкин.

8. КЕЛИШМОВЧИЛИКЛАРНИ КУРИБ ЧИКИШ.

8.1. Ушбу шартномадаги талабларни бажарилиши давомида пайдо булган келишмовчиликлар аввало иккала томонининг узаро келишуви орқали, унда ҳам хал булмаса ҳужалик судлари орқали куриб чиқилади.

9. ФОРС- МАЖОР ХОЛАТЛАРИ.

9.1. Форс-мажор ҳолатлари (зилзила, сел ва хоқозо) вақтида ҳам шартномада белгиланган ишлар амал оширилади.

10. ШАРТНОМА МУДДАТИ.

10.1. Шартнома 2022 йил «28» _____ дан 2022-йил 31 декабрғача амал қилади.

11. ЮРИДИК ХУЛОСА.

11.1. Юридик хулоса шартномага алоҳида илова қилинади.

Ушбу шартнома бир хил юридик кучга эга булган икки нусхада тузилди. Бир нусха буюртмачида, бир нусха пудратчида сақланади.

ҲУҚУҚИЙ МАНЗИЛИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ:

«ПУДРАТЧИ»

Шеробод туман йуллардан
фойдаланиш унитар корхонаси

Шеробод туман
Миллий банк Сурхондарё филиали
МФО: 00324, ИНН: 200497603
Х/Р: 22626000100428470002
ИФУТ-42110
Тел: 31-21-336
Шеробод ТЙФУК директори

С.Қобилов

«БУЮРТМАЧИ»

Сурхондарё вилояти автомобиль
йуллари ҳудудий бош бошқармаси

Манзил Термиз ш Олмазор -42 Тел. 22-1-26-35
Ш/х 304510860224017045162118001
Бюджетдан маблаг олувчи Стири 200473561
ОКОНХ 97400
Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги
Газначилиги
Газна х/в 23402000300100001010
Банкнинг номи М Б Б Б Х К К М Тошкент
МФО 00014
Газначилик бўлинимаси СТИРи 201122919

РАХБАР

Ж.Қиличев

Сурхондарё вилояти АЙХББ юридик бўлими бошлиги: _____ Б.Шукуров